



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

• 2013-yil, 22-iyun. Shanba • 75 (31.665)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлашнинг энг мақбул усули бандлик даражасини ошириш, деб ҳисоблайди.

Шунинг учун партиянинг маҳаллий ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари «2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури» ижросини ҳар бир туман ва шаҳарда таъминлашда фаол иштирок этиши, бу борада қатъий фаолият юритиши зарур.

Самарқандда касб-хунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш ҳамда тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш мақсадида «Энг яхши мутахассис» ва «Энг яхши бизнес лойиҳа» тақдимотлари ўтказилди.



Алишер ИСРОЙЛОВ (ўзг.) олган суратлар.

ЁШ МУТАХАССИСЛАР ТАҚДИМОТИ

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Обод турмуш йили» давлат Дастури доирасида Самарқанд вилояти ҳо-

кимлиги, прокуратура, ҳокимлик ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Ўзбекистон Республикаси Марказий бан-

ки вилоят бошқармаси ҳамда вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда

вилоятдаги касб-хунар коллежларининг 8460 нафар битирувчиси қатнашди.

(Давоми 2-бетда.)

Бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайловлар

Чуст туман тиббиёт бирлашмасида меҳнат қилаётган ходимларнинг 72 нафари ЎзХДП аъзоси. Яқинда бу ерда фаолият кўрсатаётган бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қуйи бўғиннинг ютуқ ва камчиликлари таҳлил этилди.

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ

партия кенгаши ва депутатлик гуруҳини энди тинч қўймасликка аҳд қилишди

— Партия ўз дастурий мақсадларини давр талаблари асосида янада кучайтиришда, замонавий иш услубларини шакллантиришда бошланғич ташкилотларга суянади, — деди бошланғич ташкилот етакчиси Мавлудхон Ҳақимов. — Ўтган йилларда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, одамлар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Бунда партиямиз фаолларининг хизматлари катта бўлмоқда.

→ 2

ОБУНА — 2013

Йилнинг биринчи ярмида бизга ҳамроҳ ва ҳамфикр бўлган обуначиларимизга, барча газетхонларга эслатмоқчимиз:

ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Нашр кўрсаткичи — 220

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

ПОЗИЦИЯНИ ҚАТЪИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЗАРУР

ЎзХДП Сайловотди дастурида жамият ва давлатнинг алоҳида қўллаб-қувватлашига эҳтиёжманд аҳоли қатлами манфаатини ҳар томонлама ҳисобга олиш, ифодалаш ва ҳимоя қилиш асосий вазифа этиб белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари иқтисодиётда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келаётган кишилар манфаатига оид ташаббуслар билан чиқиб,

уларни ҳаётга татбиқ этишга ҳаракат қилмоқда. ЎзХДП Марказий Кенгашида ўтказилган «Аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилишда ЎзХДП позицияси» мавзусидаги сиёсий семинарда шу масалалар хусусида фикр юритилди.

2-бет

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

Ўзбекистон ОВОЗИ

Шу азиз VATAN — barchamizniki!

Биз сизга: Таъриқимиз, Президенти, Таъриқимиз, Таъриқимиз, Таъриқимиз

2013 йил — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ. ҚАДРЛИКЛАРНИ, ТАВБАНИ ВА НОТИ

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Ҳар биримиздан қатъиян, ташаббускорлик, ақл-идрок ва салоҳият талаб этилиши таъкидлагани юртимизда бу масала аллақачон давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан далолат беради.

Хозирда Президентимизнинг 2013 йилнинг 18 мартдаги «Жиззах махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

чоғида билдирилган фикрлар фракциянинг навбатдаги ташаббусига асос бўлди

www.uzbekistonovozi.uz

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2013 ЙИЛ БИРИНЧИ ЧОРАГИДАГИ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 31-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2013 йил биринчи чорагидаги ижросига доир ҳисоботи кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан молия вазири ўринбосари М.Мирзаев маъруза қилди.

Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати ижроси устидан парламент назорати Қонунчилик палатасининг устувор вазифалари жумласига киради, шу сабабли у депутатлар корпусининг диққат марказида туради. Яқинда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларидан келиб чиққан ҳолда олдинроқ сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг мажлислари бўлиб ўтди. Уларда Вазирлар Маҳкамасининг мазкур масалага доир ҳисоботи дастлабки тартибда кўриб чиқилди.

Қонунчилик палатаси мажлисида таъкидландики, жаҳон иқтисодиётида давом этаётган мураккаб жараёнлар ва салбий тенденцияларга қарамай, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг энг муҳим устуворликлари

ҳамда мамлакатимиз Президент томонидан белгилаб берилган жорий йилдаги иқтисодий дастурнинг асосий вазифалари ичидан рўёбга чиқарилиши натижасида ҳисобот даврида Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги таъминланди.

2013 йилнинг 1 чорагида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари — 7,5 фоизни, саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми — 6,0 фоизни ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми — 6,2 фоизни, қурилиш пудрат ишлари ҳажми — 13,2 фоизни ташкил этди.

Ички талабни рағбатлантириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,4 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми — 13,1 фоизга ва хизматлар ҳажми — 9,0 фоизга ўсишига қўмаклашди.

(Давоми учинчи бетда.)

Муносабат

ПИРОВАРД МАҚСАД — АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида Жиззах ва Сирдарё вилоятларига ташрифи чоғида билдирган фикрлари, таклифлари аҳоли томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

Халқимизнинг ҳаёт тарзи ва даражасини юксалтиришда бандлиқни таъминлаш муҳим ўрин тутди. Аҳолининг иш билан таъминланганлик даражаси юқори бўлган юрда тинчлик, хотиржамлик, оқилоллик ҳукмрон бўлади, энг муҳими, мамлакатнинг барқарор ривожланиши табиий жараёнга айланади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, муҳтарам Юртбошимиз Жиззах воҳасига ташрифи чоғида аҳоли бандлигини таъминлаш ҳар биримиздан қатъиян, ташаббускорлик, ақл-идрок ва салоҳият талаб этилиши таъкидлагани юртимизда бу масала аллақачон давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан далолат беради.

Хозирда Президентимизнинг 2013 йилнинг 18 мартдаги «Жиззах махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш

га жиддий киришилди. Шу йилнинг сентябрь ойидаёқ мазкур индустриал зонада уяли телефонлар ва уй-рўзгор буюмларини ишлаб чиқарадиган янги қўшма корхоналар фаолият бошлади. Яқин йиллар ичида индустриал зонада 51 та қўшма корхона ташкил этиш ва бунинг учун 3,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоа жалб этиш кўзда тутиляпти.

Юртбошимиз ташриф чоғида вилоят маркази — Жиззах шаҳрида қўллаб маданий-маиший биноларни қуриш, айланма йўл барпо этиш, янги магистраль йўللари очиш, аҳоли дам олиши учун маданият ва истироҳат боғлари ташкил этиш, фаввораларни қўпайтириш зарурлигини ўқитиб ўтди. Президентимизнинг бу эътибори қадим тарихга эга Жиззах замини ҳаётда унутилмас воқеа бўлиб қолади.

(Давоми 2-бетда.)

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

ПОЗИЦИЯНИ ҚАТЪИЙ
ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЗАРУР

Унда партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳар, вилоят партия кенгаши фаоллари, экспертлар, йирик бошланғич партия ташкилот раислари иштирок этди.

Таъкидландики, аҳолининг бандлик даражасини ошириш ижтимоий ҳимоянинг асосий йўналиши ҳисобланади. Ҳозирда ЎзХДП ташкилотлари ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишлари, жумладан, қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолига ижтимоий ва коммунал хизматлар кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш вазифаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

кама этилди ҳамда тегишлилар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларига киритилди. Натижада янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга қаратилган ва бошқа амалий чоралар кўрилди.

Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Наманган ва Навоий вилоятларида ўтказилган ижтимоий-иқтисодий анжуманлар орқали минг нафардан ортиқ электрот вакили қасаначилик ва оилавий тадбиркорлиқни йўлга қўйиш мақсадида бошланғич сармоёни шакллантириш учун имтиёзли кредит олишга эришди. Натижада 2 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Анжуманлар доирасида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза

дий масалалар ечимига эришилди. Бу борада, айниқса, Қорақалпоғистон республикаси ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўтган йили халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ЎзХДПдан сайланган депутатлар, ҳамкор ташкилотлар ёрдамида мурожаатларнинг 72 фоизи ижобий ечим топди. Мурожаатларнинг ҳал этилиши кўрсаткичининг ўсиб бориши партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолияти янада жонланаётгани, шу билан бирга, фуқароларнинг ҳам сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги ошиб бораётганини кўрсатади.

депутатлик гуруҳлари назорат таҳлил ишларини етарли даражада йўлга қўйгани кузатилаётгани, — деди депутат. — Маҳаллий даражада электрот манфаати турли ижтимоий масалаларни сессиялар кун тартибига киритиш, амалий ҳаётдан таъсир кучи, таъсир механизмига эга бўлган қарорлар қабул қилинишига эришиш ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш орқали ҳимоя қилинади. Аммо бу масалада ҳам айрича депутатлик гуруҳларнинг ташаббускорлиги сезилмапти. Биргина мисол: партия мизининг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурига асосан ўтган йили халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуру-

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ, ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОСИ ДИЛБАР ХОЛИҚОВА ПАРТИЯ ҲАРАКАТ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТДИ. ХУСУСАН, ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, МЕҲНАТ БОЗОРИДА ЎРТА-МАХСУС МАЪЛУМОТЛИ КАДРЛАРГА ЖОРИЙ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ТАЛАБ ВА ТАҚИФЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ, БИТИРУВЧИЛАРНИ ҚОРХОНАЛАРГА АМАЛИЁТ ЎТАШ УЧУН БИРИКТИРИШ, УЛАРНИНГ МЕҲНАТИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИДАГИ МАВЖУД КАМЧИЛИКЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИНИНГ ИШТИРОКИГА ТАНҚИДИЙ ЁНДАШДИ.

— Электротни қўллаб-қувватлашда мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш, бандлик дастури ижросини таъминлашда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги айрим

ҳимиз Яккасарой ва Сергели туманларида касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юрлари битирувчилари учун янги иш жойлари ташкил этиш мақсадини сессия муҳокама-

га киритиши керак эди. Аммо бу вазифа бажарилмасдан қолди.

Фаолиятимизда самарадорликка эришиш учун электрот манфаатидан келиб чиқувчи масалаларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиялари ва доимий комиссияга олиб чиқиш, бунда партиянинг барча бўғинлари орасида тизимли таъминлаш муҳим ўрин тутади.

Тадбирда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зиёвуддин Мансуров, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари бош муҳаррири Сафар Остонов, ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Боймурод Ўсупов, Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Учқун Шойимқулов ва бошқалар партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш, электрот манфаатларига оид амалий ишларни кўпайтириш, бу борада тизимли таъминлаш масалаларида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилишда ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари ўз позициясини қатъийлик билан илгари суриши зарурлиги таъкидланди.

Амалий семинар сўнггида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Гулрух ОДАШБЕКОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Муносабат

ПИРОВАРД
МАҚСАД —
АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида янги ишлаб чиқариш қорхоналарини яратиш ҳисобида касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш энг устувор вазифага айланганлигини яхши англаймиз. Ўртбошимиз Истиклолнинг 22 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилган режалаштирилган «Жиззах-пластекс» қўша қорхонасида бўлди. Бу ерда 300 дан зиёд коллеж битирувчиси уч томонлама шартномага асосан ишга қабул қилинган. Мамлакатимиз раҳбари ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилган замонавий асбоб-ускуналарни бемалол бошқараётган ёшлар билан суҳбатлашди.

Кези келганда шунга айтиш жоизки, бу йил вилоятдаги 79 та касб-хунар коллежи ва академик лицейларни 18000 нафардан зиёд ўғил-қиз тугаллаб, мустақил ҳаётга йўланма олади. Эътибор берилик, вилоятдаги коллеж ва лицейларда фаолият кўрсатаётган ходимларга ҳар ойда давлат бюджетидан ҳисобидан 3,5 миллиард сўм миқдорда маблағ ажратилаётган бўлса, 3 йил мобайнида бир мутахассис кадрни тайёрлаш учун 18 миллион сўм сарфланади.

Қувончли томони шундаки, бугунги одамлар кечаси одамлардан онги, дунёқараши, фикрлаш қобилияти билан тубдан фарқ қилади. Бугунги ота-она ҳам ўз фарзандининг тақдирини бефарқ қарамайди.

Албатта, бу каби ютуқларга осонликка эришилмаганига Ўртбошимиз алоҳида эътибор қаратар экан, воҳани янада тараққий эттириш ҳақида сўз юритиб, келажакда пахта-ни қайта ишлайдиган қўллаб-саноат қорхоналари барпо этилиши алоҳида таъкидланди.

Ҳозирда вилоятда 6000 дан зиёд фермер 180 минг

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ОИЛАДАГИ
АҲИЛЛИК,
ХОТИРЖАМЛИК

мамлакат тинчлиги,
юрт ободлигига хизмат қилади

Юртимизда ҳар бир ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли учун қулай шарт-шароит яратиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида Президентимиз бу борада эришилган натижалар, олдинда турган муҳим вазифалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

2013 йилда вилоятимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётда қўллаб-қувватлашнинг юз берди. Сирдарёда жорий йилнинг биринчи чора-сида ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 9,5 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, пуллик хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда барқарор ўсиш таъминланди.

Шу билан бирга, қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани, тадбиркорларга қўллаб-қувватлаш ва преференциялар берилганлиги туфайли жорий йилнинг биринчи чора-сида 181 та кичик бизнес субъекти, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 57 та янги қорхона ташкил этилди. Бу йил ҳудудимизда қарийб 90 минг гектар майдонда бошқоқ дон экинлари етиштирилди.

Мамлакат раҳбарининг

гектар ерда галла, 102 минг гектар майдонда пахта етиштиряпти. Ўртбошимиз Пахтакор туманидаги «Жавлонбек» уруғчилик фермер хўжалигини далаида бўлганида кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ташкил этиш, энг муҳими, бу соҳада маҳаллий кадрлар тайёрлаш, олий ўқув юрларида махсус факультетлар очиб лозимлиги тўғрисида фикр юритди.

Мақсадимиз — битта, бу ҳам бўлса, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳисобида уларнинг бахтли ҳаёт кечирishi учун барча шароитларни муҳайё этишдан иборат, деди Ўртбошимиз ўз сўзида.

Умуман, мамлакатимиз раҳбарининг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан танишиш мақсадида Жиззах вилоятига ташриф буюргани, вилоят фаоллари билан учрашиб, воҳани янада тараққий эттириш, кишилар учун муносиб турмуш шароити яратиб беришга қаратилган қимматли фикрлари келажакда воҳани барқарор ривожлантиришда улкан аҳамиятга эга бўлади.

Ҳозирда Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят, туман, шаҳар кенгашлари ҳамда барча даражадаги депутатлик гуруҳлари Ўртбошимизнинг Жиззах вилоятига ташрифи чоғидаги кўтарилган ғоялар, билдирилган тақлифларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш ишларини бошлади. Энг муҳими Ўртбошимиз ташрифи вилоят аҳли қалбини қувончга тўлдирди ва уларни янги марралар сари илҳомлантирди. Халқимизнинг кўтаринки кайфияти, эртанги кунга ишончи мустахкамланиши келажакда юртимиз янада обод бўлишига хизмат қилади.

Ақром ИНОМОВ,
«Жиззах овози» газетаси
бош муҳаррири,
халқ депутатлари
Жиззах вилоят
Кенгашидаги
ЎзХДП депутатлик
гуруҳи раҳбари.

Бошланғич партия
ташкилотларида
ҳисобот-сайловларТИББИЁТ
ХОДИМЛАРИ

партия кенгаши ва депутатлик гуруҳини
энди тинч қўймасликка аҳд қилишди

Аммо тан олиш керак, фаолиятимизда камчиликлар кўп. Мисол учун, партия тарафдорлари сафини янада кенгайтиришга қаратилган тадбирларни замонавий усулларда ташкил этиш зарур. Партиявий тадбирларнинг изчил ташкил этилмагани, дастурий ғоя ва мақсадлар тарғибига етарли эътибор қаратилмагани ишмизнинг оқсига олиб келмоқда. Шу боис, камчиликларни бартараф этиш, бошланғич ташкилотни партия ва унинг давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги депутатлик корпуси ҳамда электрот ўртасидаги мустахкам қўприкка айлантириш вазифалари олдимизда турибди.

Ҳақиқатан ҳам кейинги уч йил мобайнида бу ерда партия сафига атиги 5 нафар янги аъзо қабул қилинган. Бу эса кўйи бўғин фаолиятига билдирилаётган эътирозларга асос бўлди.

— Ҳар қайси партиянинг обрў-эътибори, жамият ҳаётида тутган ўрни, авва-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ло, жойлардаги бошланғич партия ташкилотларининг қай даражада ишлаётгани билан боғлиқ, — деди туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Мухсижон Бобохонов. — Партияимиз ғояларини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилишнинг замонавий усулларидан фойдаланиш, электрот вакилларини ўйлантираётган масалаларни ўрганиш ва уларга ечим топишда бошланғич ташкилотлар ролини кучайтириш муҳим вазифадир. Бундан нафақат шу ерда фаолият кўрсатаётган партия аъзолари, балки электротимиз вакиллари манфаатдор бўлади.

Йиғилишда кун тартибидagi масала юзасидан қўллаб-қувватлаш билдирилди. Партия Сайловлари дастури амалга ошириш, аҳолининг эътиёманд қатламини ижтимоий ҳимоя қилишни такомиллаштириш масалалари бўйича туман партия кенгаши ва депутатлик гуруҳи доимий равишда тақлифлар киритиб бориш, уларни ўз вақтида амалга оширишни назорат қилишга келишиб олинди.

Хисобот-сайлов йиғилишида ташкилий масала кўриб чиқилди. Касбий фаолиятидаги ютуқлари, одамлар билан ишлаш қобилияти ва ташкилотчилиги билан жамоада обрў-эътибор қозонган Гулбаҳор Бекмуродова бошланғич партия ташкилот раиси этиб сайланди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Бурч ва мажбурият

ЁШ МУТАХАССИСЛАР
ТАҚДИМОТИ

— 2012-2013 ўқув йилида вилоятимиздаги 158 касб-хунар коллежини 102 мутахассислик бўйича 60 минг 794 нафар йигит-қиз битирмоқда, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Муродилла Холмухамедов. — Уларнинг мақсади ва аниқ манзилли тартибда бандлигини таъминлашга қўмаклашиш юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирларга мувофиқ жорий йилнинг март, апрель ойларида ўтказилган учрашувларда 46452 нафар битирувчининг ота-онасига фарзандининг қолатилиши иш жойи билан таъминланиши ҳақида сертификатлар топширилди. 57 минг 971 нафар битирувчи вилоятдаги қорхона ва ташкилотларга амалиёт ўташ ва кейинчалик ишга жойлаштириш бўйича тузилган уч томонлама шартнома асосида битирилди. Икки минг нафардан зиёд коллеж битирувчисига ўз бизнес лойиҳасини амалга ошириш ва тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун тижорат банклари томонидан

7,1 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Кейинги йилларда аънавийлик касб эътаётган «Энг яхши мутахассис» ва «Энг яхши бизнес лойиҳа» тақдимотлари коллеж битирувчиларининг уч йил давомида олган билими, малакаси ва касб маҳоратини намойиш этиш, «Коллеж — битирувчи — иш берувчи» ўртасидаги алоқани янада мустахкамлашга хизмат қилмоқда.

Самарқанд шаҳридаги касб-хунар коллежлари, қорхона ва ташкилотларда ташкил этилган тақдимотлар жараёнида битирувчилар қорхона ва ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислар, экспертлар олдида ўзларининг касб маҳоратини намойиш этди. Вилоятдаги миллий ҳунармандчилик ва қурилиш, коммунал хизмат йўналишларидаги коллежларда тайёрланаётган гишт терувчи, сувок-бўёқчи, электр монтажчи, ёғочга ишлов бериувчи усталар мебель ишлаб чиқариш технологияси, сув, газ таъминоти ва канализация тизимларини ўрнатиш бўйича тақдимотларда 1250 нафар битирувчи иштирок этди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Иштихон маиший хизмат касб-хунар коллежини газ, сув таъминоти тизимларини монтаж қилиш ва таъмирлаш йўналиши бўйича битирдим, — дейди Эркин Тиркашев. — Бугунги тақдимотда коллежда ўрганган билим ва касб маҳоратимни кўрсатиб, Оқдари туманидаги «Нуроний бинокор сервис» масъулияти чекланган жамиятига ишга киришга муваффақ бўлдим. Шу ернинг ўзида ҳужжатларим расмийлаштирилди. 210 нафар битирувчи иштирок этган сартарошлик ва косметика йўналишида Сартепа туризм ва маиший хизмат коллежи битирувчиси Малика Очилова алоҳида эътирофга сазовор бўлди. Умуман, 46 нафар сартарош қизнинг барчаси шу куни аҳолига маиший хизмат

кўрсатиш шохобчаларига ишга қабул қилинди. Самарқанд автомобилсозлик коллежининг 134 нафар битирувчиси «СамАвто» масъулияти чекланган жамиятида автомобилчиларни йиғиш ва синаш йўналиши бўйича ўз тақдимотларини ўтказиб, ўқиш ва амалиёт жараёнида «Исузу» автобус ва юк машиналарини ишлаб чиқариш юзасидан етарли касб кўникмасига эга бўлганликлари кўрсатди. Улар орасидан энг яхши тақдимот эгалари ушбу заводга ишга қабул қилинди.

«Энг яхши бизнес лойиҳа» тақдимотларида 15 йўналиш бўйича бизнес лойиҳалар тақдим этилди. Шу ернинг ўзида тижорат банклари томонидан 250 бизнес лойиҳага кредит ажратиш тўғрисида сертификатлар топширилди.

Самарқанд банк коллежи ўқувчиси Нурсалим Умаровнинг «Полиэтилен маҳсулотларини қайта ишлаб, хомашё олиш» бизнес лойиҳаси учун «Микрокредитбанк» томонидан 56 миллион сўм миқдорида кредит ажратилгани билан бўлди.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими З.Мирзаев иштирок этди.

Ҳ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.

